

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019. Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМИДОВ ШАВКАТ ЭРГАШЕВИЧ**

**ШАРБАТБОП ҚОВОҚ (CUCURBITA L.) НАВЛАРИНИ  
АГРОБИОЛОГИК, ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ШАРБАТ  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

<b>Умидов Шавкат Эргашевич</b> Шарбатбоп қовоқ ( <i>Cucurbita L.</i> ) навларини агробиологик, технологик хусусиятлари ва шарбат олиш технологиясини илмий асослаш.....	3
<b>Умидов Шавкат Эргашевич</b> Агробиологические, технологические особенности сочноплодных сортов тыквы ( <i>Cucurbita L.</i> ) и научное обоснование получения сока.....	20
<b>Umidov Shavkat Ergashevich</b> Agrobiological, technological features of succulent pumpkin varieties ( <i>Cucurbita l.</i> ) and the scientific justification for obtaining juice.....	37
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019. Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМИДОВ ШАВКАТ ЭРГАШЕВИЧ**

**ШАРБАТБОП ҚОВОҚ (CUCURBITA L.) НАВЛАРИНИ  
АГРОБИОЛОГИК, ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ШАРБАТ  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx.347 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Буриев Ҳасан Чутбоевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исабаев Исмаил Бабаджанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Рустамов Абдумалик Сатторович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил 29 июль соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (539104-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертацияси автореферати 2020 йил 10 июль куни тарқатилди.  
(2020 йил 6 июлдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



 **Б.А.Сулаймонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

 **Я.Х.Юлдашов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

 **М.М.Адиллов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Полиз экинлари ер шарининг тропик, субтропик ва мўътадил иқлимли минтақаларида 6,2 млн. гектар майдонга экилиб, 142,4 млн. тонна ялпи ҳосил етиштирилади. 2018 йилда дунё бўйича 2100 минг га майдондан 27 млн. тоннадан ортиқ қовоқ етиштирилган бўлиб, бунда Хитой ва Ҳиндистоннинг улуши умумий етиштирилган миқдорнинг 47% ни ташкил этади. Россия, Украина ва АҚШ давлатларида ҳам 1 млн. тоннадан ортиқ қовоқ ҳосили етиштирилган. Қовоқ ҳосилдорлиги дунё бўйича 12,3 т/га ни ташкил этади.<sup>1</sup> Ўзбекистонда ҳозирги кунда полиз маҳсулотларини, жумладан қовоқни етиштириш 297,6 минг тоннани, қайта ишлаш 0,5 минг тоннани, экспорт қилиш эса 17,2 минг тоннани ташкил этмоқда. 2021 йилга келиб, қовоқни етиштиришни 330,2 минг тонна (110,9%)га, қайта ишлашни 0,9 минг тонна (180,6%)га, экспорт қилишни эса 38,3 минг тонна (222,7%) га оширилиши режалаштирилган.<sup>2</sup>

Дунё бўйича қовоқ меваларини қайта ишлаш бўйича кўплаб ишланмалар ишлаб чиқилган. Бу тадқиқотлар асосан қовоқ меваларида пектин ажратиб олиш, қовоқ уруғларида мой олиш ва қовоқнинг фармакологик хусусиятларини тадқиқ қилиш каби йўналишларда олиб борилган. Айниқса, Европа давлатлари ва Хитойда қовоқ уруғидан мой олиш бўйича ишланмалар кенг жорий қилинган. Бироқ бу мамлакатларда қовоқнинг шарбатбоп навларини агробиологик ва технологик хусусиятлари, уларни сақлаш, ҳамда шарбат олиш технологияси соҳалари салмоғи юқори эмас. Ўзбекистонда қовоқ етиштириш ва истеъмол қилиш бошқа сабзавотлар каби кенг тарқалмаган. Унинг районлаштирилган навлари ушбу товар маҳсулотини мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларида аҳолини талабини қондирадиган даражада ишлаб чиқариш ва реализация қилиш имконини беради. Турли минтақаларда етиштириладиган ҳар хил тур ва навдаги қовоқ меваларининг товарбоплиги ва озиқавий қиммати, тури ва навлари бўйича уларни сақлаш режимлари ҳамда қайта ишлаш усуллари кам ўрганилган.

Ҳозирда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш соҳаси энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ушбу тармоқ энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, уларнинг ассортименти ва экспорт салоҳиятини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга бағишланган 3.3-бандида ҳам «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» масалалари алоҳида

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat> 2018/

<https://marketpublishers.ru/lists/11814/news.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев - Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари сифатини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш, 2019 йил, 4 июль

белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сонли қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қовоқни етиштириш, унинг агробиологик, технологик хусусиятлари, уни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича В.В.Арасимович, И.М.Ашеров, В.Ф.Белик, Х.Ч.Бўриев, И.Ф.Горлов, С.Е.Михеев, А.А.Попов, Э.Н.Богданова, О.А.Маркина, К.О.Чайкин, Г.А.Тараканов, К.И.Пангало, С.Т.Азимова, D.Oakenfull, A.Scott, Н.Danilcenko; E.Treciokaite, С.Wilson ва бошқа олимлар изланишлар олиб боришган. Полизчилик бўйича Республикамизда бир қатор ишлар олиб борилган, хусусан қовоқ бўйича республикамизда Ҳ.Ч.Буриев, И.М. Ашеров, М.Э. Аманова, А.С. Рустамов ва бошқалар кўплаб изланишлар олиб боришган. Полиз маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси бўйича Қ.О.Додаев, А.Ж. Чориев, Ф.Х. Эшматов, З.А. Машарипова, фармакалогия соҳаси бўйича М.М.Миролимов, Т. Азлархонов, Ш.Х. Искандарова каби олимлар изланишлар олиб боришган. Шундай бўлсада, шарбатбоп қовоқ навларни танлаш, турли усулларда сақлаш ва қовоқ шарбатини тайёрлаш технологиясини такомиллашириш бўйича илмий тадқиқотлар етарли эмас.

Етиштирилаётган қовоқ меваларининг нав хусусиятларига қараб уларнинг органолептик ва технологик хусусиятлари турлича бўлади. Шу муносабат билан диссертация тадқиқотининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат: қовоқнинг изланишлар олиб борилаётган учта маданий турига мансуб навлар орасидан сақлаш ва қайта ишлашга, хусусан шарбат олишга мос бўлган навларни ажратиш зарурати мавжуд. Шунингдек, уларни қайта ишлаб, шарбат олиш технологиясини ҳам илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Академик С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

кимёси институти ва Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида бажарилган КА-9-003 рақамли «*Cucurbita moschata* Duchesne, *Cucurbita maxima* Duchesne, *Cucurbita pepo* L., *Linum brevimulticaulia*, *Brassica napus* L., *Carthamus tictorius* L. Ўсимликларнинг етиштиришнинг юқори самарадор, экологик соф технологиялари» мавзусидаги лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маданий қовоқ экинлари коллекциясидан шарбатбоп қовоқларнинг тур ва навларини танлаш, агробиологик, технологик, сақлаш муддатлари ва хусусиятларини ўрганиш, қовоқ шарбати олиш технологиясини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган шарбатбоп маданий қовоқнинг тур ва навларини танлаш;

шарбатбоп қовоқ тур ва навларининг технологик, органолептик хоссалари ва биокимёвий таркибини тадқиқ қилиш;

қовоқ мевасини турли усулларда ва муддатларда сақлашни мақбул меъёрларини аниқлаш;

қовоқдан шарбат тайёрлаш технологияси бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда районлаштирилган ва интродукция қилинган қовоқнинг йирик мевали турига (*Cucurbita maxima* Duch) – Испанская 73, Мичуринская сладкая 13, Волжская серая 92, Россиянка, Медовая, Стофунтовая, қаттиқ пўстли турига мансуб (*Cucurbita Pepo* L.) – Нон кади, Ширинтой, Бирючукутская 27, Кустовая оранжеевая, Мозолеевская 49, Vegetable Spaghetti, Мускат турига мансуб (*Cucurbita moschata* Duch) – Палов каду 268, Кашгарская 1644, Korean Pumpkin, Витаминная, Garvu tradiny (Корея) нав намуналари танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** қовоқни турли навларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари, ажратиб олинган қовоқ навларининг биокимёвий ва технологик хусусиятлари, шарбат ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда дала тажрибаларини ўтказишда В.Ф.Беликнинг «Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве» ва «Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве», Б.Ж.Азимов., Б.Б.Азимовларнинг «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Органолептик таҳлил қилишда муҳимлик коэффициентларини аниқлашда Е.П.Широков ва В.И. Полегаевлар томонидан мева-сабзавотлар сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган методикадан фойдаланилди. Қовоқ меваларининг биокимёвий таркибини таҳлил қилишда А.И.Ермакованинг «Методы биохимического исследования растений» услубий қўлланмаси асосида олиб борилди. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончилилик оралиғи билан G.E.P.Box «Statistics for experimenters: an introduction to design, data analysis and model building» услуби бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор қовоқнинг сақлашга ва шарбат олишга мўлжалланган маданий тур ва навлари (йирикмевали қовоқ маданий турига мансуб Испанская 73, Волжская серая 92 ва мускат қовоқ маданий турига мансуб Палов каду 268 навлари) аниқланган;

шарбатбоп қовоқ меваларининг технологик, органолептик ва биокимёвий кўрсаткичлари тадқиқ қилинган;

қовоқ меваларини бутун ва тилим ҳолатда сақлаш бўйича мақбул сақлаш шароити ва муддати аниқланган;

қовоқдан шарбат тайёрлашда шарбат миқдорини ошириш учун иссиқлик ишлов бериш усулини қўллашнинг афзаллиги илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

қовоқ навларини етиштиришда уларни мақсадли етиштириш учун шарбат ишлаб чиқариш учун мақбул навлар руйхати шакллантирилган;

шарбатбоп қовоқ навларини сақлаш ва қайта ишлашда технологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ўзгариши динамикаси аниқланган;

қовоқ меваларини бутун ва тилим ҳолатда сақлаганда технологик кўрсаткичлари бўйича навлар навлар кесимида маълумот шакллантирилган, энг мақбул сақлаш муддатлари аниқланган;

қовоқ меваларидан шарбат тайёрлашда уларнинг технологик кўрсаткичлари бўйича навлар навлар кесимида маълумот шакллантирилган, шарбат олишда шарбат чиқимини ошириш бўйича технологик жараёнларини қўллаш усулларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, мақбул технологик схема ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** дала тажрибаларининг ҳар йилги апробацияси ва бирламчи ҳужжатлар, илмий ҳисоботларнинг ТошДАУда муҳокама қилинганлиги, тадқиқот натижаларига математик ишлов берилганлиги ва уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, илмий тадқиқот натижаларининг халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, мақолаларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг рўйхатига кирадиган илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ҳамда тадқиқот натижаларининг хорижий тажриба ишларига мувофиқлиги, кенг тарқалган услубиятлардан фойдаланилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қовоқнинг шарбатбоп тур ва навлари аниқланганлиги, уларнинг агробиологик, технологик хусусиятлари ўрганилганлиги, шунингдек қовоқ мевасидан шарбат олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шарбатбоп қовоқнинг тур ва навларига мансуб (Йирик мевали қовоқ маданий турига мансуб – Испанская 73 ва Волжская серая 92, ҳамда мускат қовоқ маданий турига мансуб – Палов каду 268 навлари) қовоқ меваларини турли усулларда сақлаш давомида унинг органолептик хусусиятлари ва биокимёвий таркибидаги ўзгаришлар илмий

асосланган ҳолда ўрганилганлиги, қовоқ шарбати олишнинг ўзига хос хусусиятлари, шарбат чиқимини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида самарадорликни янада ошириш имкониятларини асосланганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шарбатбоп қовоқнинг тур ва навларининг агробиологик, технологик хусусиятлари ва шарбат олиш технологиясини илмий жиҳатдан асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

шарбат ишлаб чиқариш корхоналари, сақлаш омборлари ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Шарбатбоп қовоқ навларини сақлаш ва улардан шарбат олиш» номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва Тошкент давлат аграр университети Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор томонидан тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 ноябрдаги 02/035 – 3838-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома фермер хўжаликлари ва қовоқ шарбати ишлаб чиқарувчи корхоналар учун таянч қўлланма сифатида хизмат қилган;

шарбатбоп қовоқнинг тур ва навларини етиштириб, товарбоплик хусусиятларини юқори бўлган қовоқ ҳосилини олиш бўйича ишланмалар Сирдарё вилояти, Оқолтин туманининг «Кумуш тоғлар жилоси» фермер хўжалигида – 1,2 га, Тошкент вилояти Бекобод туманидаги «Икромжон Орзу Ишонч» фермер хўжалигида – 1,1 га ва шу тумanning «Турсуной Яздонкул Файз» фермер хўжалигида – 1,2 га, жами 3,3 гектар майдонга (Испанская 73, Волжская серая 92 ва Палов каду 268 навлари бўйича) жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 ноябрдаги 02/035 – 3838-сон маълумотномаси). Натижада Испанская 73 ва Волжская серая 92 навларидан ўртача гектаридан 19,1 тонна ҳосил олишга эришилган ва иқтисодий самарадорлик 11-14% га ошган ҳолда гектаридан ўртача 72 млн. 680 минг сўм даромад олишга эришилган;

қовоқ меваларидан шарбат ишлаб чиқариш корхоналари учун қовоқ шарбати ишлаб чиқариш технологиясини қўллаш бўйича тавсиялар Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган «ҒАЗАЛКЕНТ МЕВА» МЧЖ да қовоқ хом ашёсини қайта ишлашда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 23 ноябрдаги 02/035 – 3838-сон маълумотномаси). Натижада ўртача шарбат чиқиши 8% га ошишига эришилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 та ҳалқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда – 4 та, шулардан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш,

тўрта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмети ва объектлари тавсифланган. Тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, ҳамда уларнинг диссертация бажарилган таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги ёритилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметига таъриф берилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги акс эттирилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қовоқ (Cucurbita l.) нинг тур ва навларини агробиологик, технологик хусусиятлари ва шарбат тайёрлаш бўйича илмий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобда қовоқнинг келиб чиқиши, унинг ботаник ва биологик хусусиятлари, хўжалик аҳамияти, биокимёвий таркиби ва нав хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар ёритилган. Қовоқ етиштиришда навнинг хусусиятлари, бу экиннинг навларига бўлган асосий талаблар, вегетация даврининг давомийлиги бўйича навларни гуруҳларга ажратиш, турли мамлакатлар ва уларнинг минтақаларидаги қовоқ навларининг сортименти ҳақидаги адабиётлар маълумотлари келтирилган. Қовоқ меваларини турли усулларда сақлаш, уни қайта ишлаб маҳсулотлар тайёрлаш ҳақидаги хорижий манбалар маълумотлари баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити, услублари ва объекти**» деб номланган иккинчи бобда ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган.

Ушбу бобнинг «**Тадқиқот объекти ва услуби**» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан тадқиқотлар бўйича тажрибаларни олиб бориш услублари тавсифланган. Тадқиқотларни олиб боришда Ўзбекистонда районлаштирилган ва интродукция қилинган қовоқнинг учта маданий турига мансуб навлар танлаб олинган. Ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Шарбатбоп қовоқнинг тур ва навларини танлаш, агробиологик, технологик, органолептик ва биокимёвий**

хусусиятларини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобда ўрганилаётган коллекциядаги шарбатбоп қовоқнинг тур ва навларини шарбатбоплик хусусиятларига қараб танлаш учун тадқиқот натижалари ёритилган.

Жумладан, мазкур бобнинг «Ўрганилаётган коллекциядан шарбатбоп қовоқнинг тур ва навларини танлаш» деб номланган бўлимида тажриба олиб борилаётган қовоқнинг тур ва навларининг агробиологик хусусиятларини ўрганишда қовоқ ўсимлигининг фенологик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги ўрганилди.

Мазкур тадқиқотлар натижасига кўра, йирик мевали қовоқ маданий турига мансуб навлардан кўйилган тажриба натижаларига кўра энг узок вегетация даври Волжская серая 92 навида кузатилиб, ўртача 151,7 кунни ташкил этди. Энг қисқа вегетацион давр эса Медовая навида кузатилиб ўртача 131,7 кунни ташкил этди. Қаттиқ пўстли қовоқ маданий турига мансуб навлардан энг узок вегетация даври Кустовая оранжевая навида кузатилиб, ўртача 144,3 кунни ташкил этди. Энг қисқа вегетацион давр эса Vegetable Spaghetti навида кузатилиб, ўртача 123,7 кунни ташкил этди. Мускат қовоқ маданий турига мансуб навлардан энг узок вегетация даври Витаминная навида кузатилиб, ўртача 145 кунни ташкил этди. Энг қисқа вегетацион давр эса Палов каду 268 навида кузатилиб ўртача 133 кунни ташкил этди.



1-расм. Тажриба олиб борилган маданий қовоқни тур ва навларининг ўртача ҳосилдорлиги (2016-2018 йй.)

Ҳосилдорлик бўйича эса йирикмевали қовоқ маданий турига мансуб навлардан Мичуринская сладкая 13 нави етакчилик қилди. Бу навда ҳосилдорлик ўртача 22,5 т/га ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткични Испанская 73 нави қайд этиб, ўртача 18,3 т/га ҳосилдорликка эришилди. Қаттиқ пўстли қовоқ маданий турига мансуб навлардан Бирючукская 27

нави етакчилик қилди. Бу навда ҳосилдорлик ўртача 24 т/га ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткични Vegetable Spaghetti навида 18,1 т/га қайд этилди. Мускат қовоқ маданий турига мансуб навлардан Палов каду 268 нави етакчилик қилди. Бу навда ҳосилдорлик ўртача 24 т/га ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткични Garvu tradiny (Корея) нави қайд этиб, ўртача 18,3 т/га ҳосилдорликка эришилди (1-расм).

Олиб борилган тажрибалар натижасида шарбатбоп деб танлаб олинган навлар ичидан фақат Палов каду 268 нави юқори ҳосилдорлик кўрсаткичини намоён этди.

Диссертациянинг «Қовоқ меваларининг органолептик ва технологик хусусиятлари» деб номланган бўлимида қовоқ мевалари таҳлил қилинган. Қовоқ меваларини органолептик баҳолашда учун эксперт комиссияси шакллантирилди. Ҳар бир экспертнинг ҳар бир кўрсаткичлар бўйича берган баҳоларининг ўртача қиймати ҳисобланди. Ушбу олинган маълумотлар ҳар бир нав бўйича сифат даражаси ( $C_d$ )ни фоизлардаги ифодасини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш имкониятини берди.

$$C_d = (\sum \text{тадқиқот олиб борилаётган намуна баллари} / \sum \text{максимал балл}) \times 100$$

Муҳимлилик коэффициентларини аниқлашда Е.П.Широков ва В.И.Полегаевлар (2000) томонидан мева-сабзавотлар сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган методикадан фойдаланилди. Тавсифлашда экспертлар баҳосини жамлашда ҳар бир кўрсаткич бўйича стандарт оғиш ( $S$ )ни аниқладик. 5 баллик шкалада экспертларнинг стандарт оғишиши  $\pm 0,5$  баллдан ошмади (2-расм).



2-расм. Тажриба олиб борилган маданий қовоқни тур ва навларига мансуб меваларини органолептик баҳолаш натижаси

Тадқиқот олиб борилаётган навлар ичида Cucurbita maxima Duch турига кирувчи учта нав – Испанская 73 ва Мичуринская сладкая 13 ва

Волжская Серая 92 навлари мос равишда 96,6; 96,21 ва 94,43 баллга баҳоланиб, аъло сифатга эга эканлиги маълум бўлди. Худди шу турга мансуб бўлган Россиянка нави ҳам аъло баҳога баҳоланди, аммо мевалар ўлчами кичиклиги ҳисобига (20 см) сифат даражаси нисбатан кам баҳоланди – 90 балл.

1-жадвал.

**Тадқиқотлар олиб борилган қовоқ меваларининг технологик таркиби (2016-2018 йй.)**

Нав номи	Мева массаси, кг	Эт миқдори, %	Этининг қалинлиги, см	Этлилик кўрсаткичи, ЭД
<i>Йирик мевали қовоқ маданий турига мансуб навлар</i>				
Испанская 73	8,20	77,18	5,0-6,0	
Мичуринская сладкая 13	3,50	71,33	2,5	
Волжская серая 92	13,5	77,26	5,0	
Россиянка	4,80	74,05	5,5	
Медовая	3,45	72,65	3,5-4,5	
Стофунтовая	10,7	74,69	3,5-4,5	0,68
ЭКФ <sub>05</sub>	0,7			
<i>Қаттиқ пўстли қовоқ маданий турига мансуб навлар</i>				
Нон кади	6,20	77,45	4,0	0,68
Ширинтой	5,32	74,15	3,5-4,0	0,64
Бирючукская 27	4,80	74,18	3,0-3,5	0,64
Кустовая оранжевая	2,93	68,91	2,0-3,0	0,61
Мозолеевская	7,59	74,27	5,0-6,5	0,66
ЭКФ <sub>05</sub>	0,8			
<i>Мускат қовоқ маданий турига мансуб навлар</i>				
Палов каду 268	6,30	78,45	4,0	0,73
Кашгарская 1644,	4,72	74,15	3,5-4,0	0,66
Korean Pumpkin	2,80	74,18	3,0-3,5	0,64
Витаминная	2,93	68,91	2,0-3,0	0,61
Garvu tradiny (Корея)	4,20	74,27	5,0-6,5	0,68
ЭКФ <sub>05</sub>	0,7			

Қаттиқ пўстли турига мансуб бўлган Бирючукская 27 ва Кустовая оранжевая навлари бир хил 87,21 баллга баҳоланди. Органолептик таҳлил натижасида тадқиқот олиб борилаётган навларнинг умумлаштирилиб олинди.

Қовоқ меваларининг технологик хусусиятлари унинг тузилиши билан белгиланади. Қовоқ мевалари – кўп уруғли сохта мева – пўстлок, эт ва уруғдан иборат ва плацента ва уруғли ички бўшлиққа эга. Унинг устида жойлашган қобикли паренхима меванинг этини ташкил этади. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра қовоқ меваси 17% пўстлок, 73% эт ва 10% уруғдан иборат эканлиги кузатилди. Ушбу кўрсаткич қовоқнинг тур ва навларида ҳар хил нисбатда бўлиши аниқланди (1-жадвал).


Тадқиқот натижаларига кўра аъло даражадаги сифат даражасидаги биринчи гуруҳнинг йирик мевали қовоқ Испанская 73, Волжская Серая 92 навларида этининг миқдори 77,18-77,26% га тўғри келди. Йирик мевали қовоқ маданий турига мансуб навларда мевалар йирик бўлиши билан бир қаторда, уларнинг этдорлик даражаси ҳам бошқа турларга нисбатан юқори бўлиши маълум бўлди.

Шу тариқа, қовоқнинг йирик мевали навларида эт чиқиши 65,21-79,28% ораликда, қаттиқ пўстлоқли навларда эса 68,91-76,81% ораликда ўзгариб турди.

Лекин С.реро L. навларининг кўп ривожланган панцир қаватига ҳисобига энг қалин пўстлоғига қарамасдан қовоқнинг йирикмевали ва қаттиқ пўстлоқли навлари мевасининг этдорлиги миқдори кўрсаткичлари бўйича аниқ фарқланишларни намоён қилмади

Мускат қовоқ маданий турига мансуб навлар таҳлил қилинганда тажрибадаги 5 та навдан Палов кади 268 навида шарбатбоплик хусусиятлари кўпроқ намоён бўлди. Витаминная навидан бошқа барча навлар ҳам нисбатан яхши кўрсаткичларга эга бўлди. Қовоқ меваси таркиби эт миқдори 74% дан юқори (Палов кади 268 навида 78%) бўлди.

Диссертациянинг «Шарбатбатбоп қовоқ меваларини сақлаш муддатлари, усуллари ва дастлабки қайта ишлашга тайёрлаш» деб номланган тўртинчи бобда қовоқни турли усулларда сақлаш ва шарбат олиш технологиялари келтирилган.




3-расм. Қовоқ меваларини бутун сақлаганда сифатининг ўзгариши

Тадқиқотлар давомида ҳар хил тур ва навларга хос бўлган қовоқ

меваларини бошқарилмайдиган муҳитда сақлаш бўйича тажрибалар олиб борилди (ҳарорат 14-22°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 75%дан ошмаган ҳолда). Қовоқ меваларини бутун ҳолатда бошқарилмайдиган муҳитда сақлаганда уларнинг биокимёвий таркиби ва истеъмол қиймати 6-8 ойгача йўқолмаслиги маълум бўлди (3-расм).

Қовоқ меваларининг истеъмол қийматларини ўзгаришии ўрганиш мақсадида тадқиқот олиб борилаётган навлардан 500 граммдан ошмаган ҳолда кесиб сақлашга тайёрладик. Кесилган қовоқ тилимлари совутиш камерасида +2...+4°C ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-90% бўлган шароитда сақланди. Органолептик ва микробиологик кўрсаткичларни аниқлаш бўйича таҳлиллар 5,10, ва 15 сутка, биокимёвий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибалар 3,6,9,12,15 суткалар оралиғида олиб борилди (4-расм).



4-расм. Қовоқ меваларини тилим ҳолатда совутишларда сақлашда сифатининг ўзгариши (2016-2018 й.й.)

Сақлашнинг биринчи даврида (5 сутка) қовоқ тилимларининг сифати сезиларсиз пасайди ва 7,28-8,28 баллни ташкил қилди. Энг яхши сақланган тилим шаклида сақланган қовоқ Кустовая оранжевая (С.перо L.) навида кузатилди. Барча органолептик кўрсаткичлар бўйича ўзгаришлар таҳлил қилинганда барча тажриба олиб борилаётган навларда мева этининг хушбўйлиги ва таъмининг мос равишда ўртача 0,43-0,57 ва 0,42-0,71 баллга пасайганлиги кузатилди. Умуман олганда, сақлашнинг биринчи даври мобайнида асосий навларда умумий баҳо 80,29-88,57 баллни ташкил қилди ва ўз-ўзидан *яхши* деб баҳоланди.

Фақатгина сақлашга қўйилишидан олдин 84,71 баллга баҳоланган Медовая навида умумий баҳо 71,14 баллни ташкил этди ва *қониқарли* деб баҳоланди.

Сақлашнинг иккинчи даврида (10 сутка) сифат сезиларли даражада пасайди. Энг кўп мазаси ва хушбўйлиги (0,85-1,14 ва 0,71-1,14) кўрсаткичлари пасайган ва бу ўз-ўзидан умумий баҳосига сезиларли таъсир қилди ва 13,86-18,71 баллга пасайиб кетди. Натижада қовоқ тилимларининг умумий баҳоси 70,83-78,00 баллни ташкил этиб, қониқарли деб баҳоланди.


Сақлашнинг охирида, айниқса 13-15 суткаларда барча тадқиқот олиб борилаётган навларда сифатнинг кескин пасайиши кузатилди ва умумий баҳоси 40-48 балл оралиғини ташкил этди.

Бобнинг «Қовоқдан шарбат олишда шарбат чиқимини ошириш ва шарбатнинг органолептик хусусиятларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар» деб номланган бўлимида қовоқ шарбати олишдаги технологик жараёнларни яхшилаш бўйича изланишлар баён этилган.

Меваларнинг таркибидаги қуруқ моддаларнинг кўп ва сифатли бўлиши, шунингдек, қовоқ мевасининг этлилик даражаси юқори бўлиши шарбат чиқишига тўғридан тўғри боғлиқлигини кузатилди. Тажрибамиздан маълум бўлдики, энг кўп шарбат чиқиши Испанская 73, Мичуринская сладкая ва Волжская серая 92, Палов каду 268 навларида кузатилди (78% гача). Энг кам шарбат чиқими Витаминная навида кузатилди.

Шу билан бирга қовоқ шарбати олишда технологик жараёнлар таҳлил қилинди ва қовоқ шарбати ишлаб чиқаришнинг энг мақбул технологик схемаси ишлаб чиқилди.

Биз илмий изланишларимизда куйидаги жараёнларни такомиллаштириш бўйича икки йўналиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Биринчи йўналиш бўйича электроплазмолиз, ферментатив ва иссиқлик ишлов бериш усулларини синаб кўрдик. Бунда, иссиқлик ишлов бериш натижасида шарбат чиқиш 8% гача, электроплазмолиз ва ферментатив ишлов беришда эса мос равишда 4,6% ва 5% га шарбат чиқиши ошди (5-расм).



5-расм. Турли қовоқ навларидан шарбат олиш усуллари

Иккинчи йўналиш бўйича асосий масала қовоқ шарбатининг таъм

хусусиятларини яхшилаш бўйича ечим топиш бўлиб, бунда қовоқ шарбатига нордонлиги юқори бўлган мевалар шарбатларини аралаштириб, мақбул таклифни ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилди. Тадқиқот давомида қовоқ шарбатига нордон олма шарбати, лимон шарбати ва қизил лавлаги шарбатини аралаштириб мақбул нисбатни ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди (2-жадвал).

2-жадвал.

**Қовоқ шарбати концентрациясини бошқа шарбатлар ёрдамида меъёрлаш бўйича тажрибалар (2016-2018 йй.)**

Аралаш-тирилган маҳсулот миқдори	Кўрсаткичлар					Умумий баҳо, балл
	ташқи кўриниши	ранги	консистенцияси	таъми	хушбўйлиги	
	муҳимлик коэффициенти					
	3	3	4	6	4	
Олма шарбати (Ренет Симеренко нави)						
8%	4,05	4,22	4,03	4,23	4,25	83,31
10%	4,25	4,43	4,15	4,04	4,14	83,44
12%	4,65	4,58	4,75	4,85	4,55	93,99
16%	4,24	4,23	4,12	4,01	4,05	82,15
Лимон шарбати (Тошкент нави)						
5%	4,02	4,41	4,03	4,01	4,12	81,95
7%	4,65	4,58	4,81	4,85	4,55	94,23
9%	4,12	4,41	4,25	4,65	4,45	88,29
11%	4,14	4,21	4,11	4,01	4,05	81,75
Қизил лавлаги (Бордо F1)						
10%	4,01	4,22	4,11	4,01	4,11	81,63
14%	4,25	4,25	4,13	4,15	4,26	83,96
18%	4,65	4,58	4,81	4,85	4,55	94,23
22%	4,61	4,21	4,14	4,01	4,22	83,96

Тажрибалар натижасида Қовоқ шарбатига 7% лимон шарбати қўшилганда, 12% олма шарбати қўшилган ва 18% лавлаги шарбати қўшилганда дегустацион баҳоси ижобий бўлди. Айниқса, қизил лавлаги шарбати қўшилганда шарбатнинг ранги ҳам ўзига хос тусга кирди.

Бунда қовоқ шарбатига нордонлиги юқори бўлган мевалар шарбатларини аралаштириб, мақбул таклифни ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилди. Тадқиқот давомида қовоқ шарбатига нордон олма шарбати, лимон шарбати ва қизил лавлаги шарбатини аралаштириб мақбул нисбатни ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди. Тажрибалар натижасида Қовоқ шарбатига 7% лимон шарбати қўшилганда, 12% олма шарбати қўшилган ва 18% лавлаги шарбати қўшилганда дегустацион баҳоси ижобий бўлди. Айниқса, қизил лавлаги шарбати қўшилганда шарбатнинг ранги ҳам ўзига хос тусга кирди.

«Қовоқ меваларини сақлаш ва улардан шарбат олиш усулларининг иқтисодий самарадорлиги таҳлили» деб номланган бўлимида ишлаб чиқилган

курутиш усулининг иқтисодий мақбуллигини аниқлаш юзасидан амалга оширилган таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Шарбатбоп навлар сифатида ажратиб олинган навлардан шарбат олишда иссиқлик ишлов бериш усулида шарбат чиқими энг кўп бўлганлиги сабабли шарбат таннарх энг паст даражада бўлди. Ўз ўзидан иқтисодий самардорлик ҳам иссиқлик ишлов бериш усулида Испанская 73 – 192,64%; Волжская серая 92 навида 187,36%, Палов каду 268 навида 192,64% самардорлик кўрсаткичини ташкил этди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ўрганилган коллекцияда агробиологик хусусиятлари бўйича таҳлил қилинганда йирикмевали қовоқ маданий турига мансуб қовоқ навларида энг юқори ҳосилдорлик Мичуринская сладкая 13 навида (ўртача 22,5 т/га), қаттиқ пўстли қовоқ маданий турига мансуб навлардан Бирючекутская 27 навида (ўртача 24 т/га), мускат қовоқ маданий турига мансуб навлардан Палов каду 268 навида (ўртача 24 т/га) намоён бўлди. Бунда шарбатбоп деб топилган навлардан Палов каду 268 нави бошқа шарбатбоп навларга нисбатан юқори ҳосилдорликка эга эканлиги маълум бўлди.

2. Қовоқ мевасини қайта ишлаш саноатида қўлланилишини белгилайдиган энг муҳим технологик кўрсаткичлари эт миқдори ва этдорлик даражаси ҳисобланади. Ўрганилган тажрибалар натижасида шарбатбоп навлар деб йирикмевали қовоқ маданий турига мансуб навлардан Испанская 73 (Эт миқдори – 77,18%, этлилик даражаси – 0,73), Волжская серая 92 (эт миқдори – 77,26%, этлилик даражаси – 0,72) ва мускат қовоқ маданий турига мансуб Палов каду 268 (эт миқдори – 78,45%, этлилик даражаси – 0,73) навлари қайд этилди.

3. Тажрибалар давомида маълум бўлдики, йирик мевали қовоқ навларининг этдорлилик кўрсаткичлари 0,54-0,89 ораликда ўзгариб туради ва этининг қалинлиги билан кучли боғланган ( $r=0,63\pm 0,13$ ). Бу кўрсаткич бўйича қаттиқ пўстли қовоқ ва мускат қовоқ маданий турларига нисбатан юқори даражани намоён этди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра қовоқ меваси таркиби ўртача 17% пўстлок, 73% эт ва 10% уруғдан иборат эканлиги маълум бўлди. Бу кўрсаткичлар йирик мевали қовоқ турларида 15-75-10% ни, қаттиқ пўстли қовоқ турларида 17-72-11% ни ва мускат қовоқ турларида 16-74-10% нисбатда бўлади.

4. Тадқиқотлар натижасида технологик ва биокимёвий таркибига қараб саноатда қайта ишлашга мослиги ва озиқавийлик қиймати аниқланди. Янгиллигича ва қайта ишлаш учун таркибида куруқ модда миқдори 10% дан кам бўлмаган, шундан умумий қанд миқдори 7-9%, аскорбин кислотаси 15-20 мг/100 г ва β-каротин миқдори 0,5-1,5 мг/100 г бўлган қовоқнинг тур ва навларининг мевалари яроқли ҳисобланади

5. Қовоқ меваларини сақлаш жараёнида уларни бутунлигича бошқарилмайдиган муҳитда сақлаганда ўзининг истеъмол ва органолептик қийматларини 180-240 кунга қадар йўқотмайди. Айниқса, қаттиқ пўстли қовоқ навлари узоқ муддат сақланиши маълум бўлди. 240 кун сақлаш

давомида Нон кади нави меваларининг биокимёвий таркиби энг кам ўзгаришга эга бўлганлиги (қуруқ модда миқдори 18,84% дан 14,48% гача, қанд миқдори 9,53% дан 6% гача, органик кислоталар 0,12% дан 0,08% гача камайган) ва технологик жиҳатдан сифатини йўқотмайди.

6. Қовоқ этини тилим ҳолатида кесиб сақлаш натижасида маҳлум бўлдики, кесилган қовоқ тилимларини +2...+4°C ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-90% бўлган шароитда сақлаганда чегараланган сақлаш муддати 10 суткани ташкил этади. Мичуринская сладкая 13 ва Волжская серая 92 навлари мевалари тилимларини 10 суткагача сифатли сақлаш мумкин, бошқа навлар мевалари тилимларини 5 сутка сақлаш тавсия этилади. Йирик мевали турига мансуб Медовая нави меваларини тилим шаклида тадқиқот олиб борилган шароитда сақлаш учун умуман яроқсиз эканлиги маълум бўлди.

7. Шарбат чиқимини ошириш мақсадида электроплазмолиз, ферментатив ва иссиқлик ишлов бериш усулларини синалганда иссиқлик ишлов бериш натижасида шарбат чиқиши миқдори танлаб олинган Испанская 73, Волжская Серая 92 нави ва Нон кади 268 навларининг барчасида 8% га ошди. Электроплазмолиз ва ферментатив ишлов беришда эса мос равишда 4,6 ва 5% га шарбат чиқиши ошди.

8. Қовоқ шарбатининг органолептик хусусиятлари яхшилаш мақсадида Испанская 73, Волжская серая 92 ва Палов каду 268 навларидан олинган шарбатларга 7% лимон шарбати қўшганда, 12% олма шарбати қўшилганда ва 18% қизил лавлаги шарбати қўшилганда органолептик хусусиятлари ижобий баҳоланди. Бунда умумий баҳо 94 ва ундан юқори бўлди.

9. Қовоқ меваларини сақлаганда Нон кади ва Кустовая оранжеевая навлари (самарадорлик 143,8%), Шарбат олишда иссиқлик ишлов бериш усулини қўллаганда Испанская 73 (самарадорлик 192,64%), Волжская серая 92 (самарадорлик 187,36%) ва Палов каду 268 (самарадорлик 192,64%) навлари энг юқори иқтисодий самарадорликка эришилади.

10. Тажриба натижаларининг маълумотлари бўйича қуйидагилар ишлаб чиқаришга тавсия этилади:

- шарбат ишлаб чиқариш мақсадида қовоқ етиштиришда Испанская 73, Волжская серая 92 ва Палов каду 268 навларини экиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Волжская серая 92 навини районлаштириш давлат реестрига киритиш тавсия этилади;

- сақлаш учун Нон кади нави меваларини танлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз;

- қовоқ шарбати ишлаб чиқариш жараёнида шарбат чиқимини оширишда иссиқлик ишлов бериш усулини қўллаш энг мақбул деб ҳисоблаймиз;

- ишлаб чиқарилаётган қовоқ шарбатини органолептик хусусиятларини мақбуллаштиришда 7% миқдорда лимон шарбатини қўшиш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**УМИДОВ ШАВКАТ ЭРГАШЕВИЧ**

**АГРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ, ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ  
ОСОБЕННОСТИ СОЧНОПЛОДНЫХ СОРТОВ ТЫКВЫ  
(*CUCURBITA L.*) И НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ПОЛУЧЕНИЯ СОКА**

**06.01.11 – Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/Qx.347.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Буриев Хасан Чутбоевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальный оппоненты:**

**Исабаев Исмаил Бабаджанович**  
доктор технических наук, профессор

**Рустамов Абдумалик Сатторович**  
кандидат сельскохозяйственных наук

**Ведущая организация:**


**Научно-исследовательский институт  
овоще-бахчевых культур и картофеля**

Защита диссертации состоится 29 июля 2020 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании Разового Научного совета на основе Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 539104). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2, Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 10 июля 2020 года.  
(реестр протокола рассылки номер 1 от 6 июля 2020 года).

  
**Б.А.Сулаймонов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

  
**Я.Х.Юлдашов**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.с.х.н., профессор

  
**М.М.Адиллов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.



## Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Бахчевые культуры высевают на площади 6,2 млн. гектаров в регионах земного шара с тропическим, субтропическим и умеренным климатом и выращивают 142,4 млн. тонн валового урожая. В 2018 году мировое производство тыкв (включая тыкву и тыкву) составило 27 миллионов тонн, при этом на долю Китая и Индии пришлось 47% от общего объема. Россия, Украина и США имели добычу около миллиона тонн. Площадь под тыкву составляет 2100 гектаров. Урожайность тыквы по миру составляет 12,3 т/га.<sup>1</sup> В настоящее время в Узбекистане возделывание бахчевых культур, в частности тыквы, составляет 97,6 тысяч тонн, переработка – 0,5 тысяч тонн, а экспорт – 17,2 тысяч тонн. К 2021 году планируется увеличение выращивания тыквы на 330,2 тысяч тонн (110,9%), ее переработку – на 0,9 тысяч тонн (180,6%), а экспорт – на 38,3 тысяч тонн (222,7%).<sup>2</sup>

В мире насчитывается множество разработок по переработке плодов тыквы. Эти исследования проводились в основном в направлениях выделения пектина из плодов тыквы, получения масла из семян тыквы и изучения фармакологических свойств тыквы. Особенно, в европейских странах и Китае широко внедрены разработки по получению масла из семян тыквы. Но в этих странах невелик удельный вес сфер агробиологических и технологических свойств сортов тыквы, предназначенных для получения сока, их хранения, а также технологии получения сока. В Узбекистане выращивание и потребление тыквы не имеют больших объемов как другие овощи. Районированные сорта тыквы позволяют производить и реализовать данную товарную продукцию во многих регионах нашей страны на уровне удовлетворения спроса населения. В достаточной степени не изучены товарные сорта и питательная ценность различных видов и сортов плодов тыквы, режимы хранения по видам и сортам, а также способы их переработки.

На сегодняшний день сфера хранения и переработки сельскохозяйственных продуктов считается одной из самых актуальных сфер. При обеспечении продовольственной безопасности данная сфера включает в себя важные направления. В разделе 3.3 Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, посвящённой модернизации и интенсивному развитию сельского хозяйства особо отмечены задачи по «...дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению производства экологически чистой продукции, значительному повышению экспортного потенциала аграрного

---

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat2018/>

<https://marketpublishers.ru/lists/11814/news.html>

<sup>2</sup> Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев - заседание, посвященное глубокой переработке сельскохозяйственных продуктов и повышению качества продовольственных товаров, 4 июля 2019 года

сектора»<sup>6</sup>.

